

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

**СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ**

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Фармон ва иқро

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иқтисодиётимиз ривожига муҳим омил бўлаётир.

Мазкур ҳужжатга кўра корхоналарнинг эҳтиёжи, шунингдек, экспорт учун ускуналар, бутловчи қисмлар, қайта ишланган хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни таъминлаётган корхоналарга солиқ ҳамда божхона имтиёзлари берилган. Тадбиркорларнинг давлат томонидан бундай қўллаб-қувватланиши кичик корхоналар сони кўпайиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Транс-снаб» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан. Бу ерда трамвай, троллейбус, автобус ҳамда темир йўл вагонларининг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган қулай шароит ва имтиёзлар корхонамиз учун имкониятлар эшигини кенг очмоқда, – дейди «Транс-снаб» масъулияти чекланган жамияти раиси Отамурод Эшонқулов. – Бундан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтиришга ҳаракат қилияпмиз. Ҳозир буюртмачиларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда йўловчи ташиш транспорти, темир йўл ва дарё транспорти воситалари учун маҳаллий хом ашё негизда икки юз турдаги эҳтиёт қисм тайёрланмоқда.

Маҳсулотларимизнинг бир қисми экспортга чиқарилмоқда. Жумладан, жорий йилда россиялик ҳамкорларимизга кема корпусини автоматик тарзда бошқаришда қўл келадиган махсус ускуна етказиб бердик. Шунингдек, жорий йилда импорт ўрнини босадиган ўн хилдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси буюртмасига биноан, уч хил насос ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Иситиш ускуналарини ҳаракатга келтириш ва йўловчи ташиш поездларидаги вагонларни ичимлик суви билан таъминлашда фойдаланиладиган ускуналар ҳозирга қадар Германия ва Россиядан келтирилди. Бу турдаги маҳсулотнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани вақт ва валютани тежаш имконини бермоқда.

Маҳсулотларига талаб кўпайгани сари корхонада ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошмоқда. Жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида бу кўрсаткич салкам 180 фоизни ташкил этди.

СУГУРТА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес-марказида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил октябрдан кучга кирган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги қошидаги Суғурта назорати давлат инспекцияси, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича тўловларни кафолатлаш фонди, Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси вакиллари, шунингдек, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича фаолият олиб борадиган тўққизта суғурта компанияси – «Ўзбекинвест», «Ўзгросуғурта», «Kafolat», «Ishonch», «Alskom», «Asia Inshurans», «Alfa Invest», «Kapital Sug'urta» ва «Universal Sug'urta» раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда қабул қилинган қонун мажбурий суғурта тизимининг самардорлигини оширишга йўналтирилган. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ушбу тизимнинг бир қўринишидир.

Қонунга мувофиқ, транспорт воситалари эгалари, транспорт воситасидан фойдаланиш пайтида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мулкига зарар келтирилганлиги учун ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасининг тўла амал қилишини таъминлаш мақсадида 2008 йил 24 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амал-

га ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда белгиланганидек, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта суммаси 3 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу ҳужжатга асосан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича тўловларни кафолатлаш учун махсус Фонд ташкил этилди. У транспорт воситалари эгаларининг ижтимоий кафолатлари воситаси бўлиб, суғурта бозори ушбу сегментининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва тартибга солиш имконини беради. Фонд суғурта ҳолати юзага келганда унинг кафолатланишини таъминлаб, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва мулкига етказилган зарарни қоплаш учун компенсация тўловларини амалга оширади. Мазкур Қонун яқинда кучга кирган бўлса-да, Фондга фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича компенсация масалалари билан боғлиқ 50 дан ортиқ муурожаат тушди.

Мажбурий суғуртанинг ушбу тури ривожланиши жабрланувчиларнинг мулкий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир. Зеро, мазкур Қонун орқали зарар етказган шахснинг молиявий ҳолатидан қатъи назар, етказилган зарарни қонунчиликда белгиланган миқдорда қоплаш ва суғурта тўловини амалга ошириш кафолати юзага келади.

Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш қатнашчилари, яъни суғурта компаниялари автотранспорт воситалари эгаларига сифатли ва тез хизмат кўрсатиш бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга ошириб, ўз моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш борасида чора-тадбирларни кўрмоқда.

– Компаниямизнинг бош офисидида фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш департаменти ташкил қилинди, – дейди «Kafolat» акциядорлик суғурта компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Равшан Нарзуллаев. – Республикаимизнинг барча ҳудудларида суғурта полисларини сотиш бўйича қўшимча шохбчалар очдик, барча бўлинмалар замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланди. Бу эса, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш полисларини рўйхатга олиш ва уларни топшириш бўйича махсус дастурни изчил амалда жорий этиш имконини берди. Аҳоли ўртасида, корхона ва ташкилотларда бу борада кенг миқёсдаги тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, «Kafolat» компанияси ходимлари учун мунтазам ўқув курслари ва семинарлар ташкил қилинмоқда. Хизмат кўрсатишнинг бундай йўлга қўйилгани ва тармоқлашгани суғурта бозорининг истиқболли сегментида рақобатбардош бўлишга кўмаклашади.

«Kapital Sug'urta» очик акциядорлик жамияти ҳам бу тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрди. Компания бош директори Лазиз Ҳалимтоевнинг айтишича, компанияда тармоқлашган агентлик хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга ихтисослашган 165 та суғурта агенти тайёрланди. Суғурта даъволарини мувофиқлаштириш ҳам эътибордан четда қолмайди. Хар бир бўлинма мустақил равишда, мазкур Қонун доирасида суғурта бадалларини кўриб чиқиш ва тўлаш ҳуқуқига ҳамда бунинг учун зарур восита ва имкониятларга эгадир.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича хизмат кўрсатадиган тўққизта компаниянинг 4 460 дан зиёдроқ суғурта агенти иш юритмоқда, уларнинг филиал, бўлинма ва шохбчалари сони эса 1 150 дан ошади.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ ТАҚДИМОТИ

Тошкентда КА DATA автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан ташкил этилди.

Учрашувда мазкур янги ишланма мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қўшилган яна бир ҳисса экани таъкидланди. Бугунги кунда республикаимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган 14 ахборот-кутубхона ва 1 150 дан ортиқ ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси замонавий компьютер техникаси, энг янги ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғига уланган. Ҳозир олис аҳоли пунктлари учун мўлжалланган кўчма кутубхоналар – библиобуслар ҳам ташкил қилинмоқда.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Республика ахборот-кутубхона маркази мутахассислари кутубхона маълумотларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқди. Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказидан КА DATA лойиҳаси раҳбари Дилмурод Каримбердиевнинг таъкидлашича, дастурий таъминот (ДТ) ўзбек ва рус тилларидаги интерфейсли электрон кутубхоналар тизимини кучайтиришга

хизмат қилади. Янги дастурий маҳсулот нашрларнинг турли хил ва шакллари тавсифлаб беради, яъни электрон каталог яратади, китоблар қидирувини амалга ошириб, китоб фонди ҳисоботини тузади. КА DATA ёрдамида кутубхонага келтириладиган адабиётларни қайта ишлаш, уларни ҳисобга олиш, рецензиялаш, китобхоналарга бериш, уларни қайтариш жараёнини кузатиш имкони пайдо бўлади.

Ушбу дастурий таъминотдан фойдаланиш осон ва қулай бўлгани боис уни ҳар қандай кутубхонада қўллаш мумкин. Дастурий таъминотни амалга оширишда илованинг фаолият кўрсатишига ёрдам берадиган мижоз-сервер архитектурасидан фойдаланилди.

Бундай ёндашув натижасида турли кутубхоналарда киритилган библиографик маълумотларни бир жойда тўплаш мумкин. Бу эса марказлаштирилган тармоқ орқали бир қанча кутубхона ва китобхоналар ўртасида библиография ахбороти алмашишни таъминлайди. Маълумот узатиш тармоғидан фойдаланиш имкони бўлмаган пайтда эса «КА DATA»нинг таркибий қисмлари бўлган «Маъмур», «Каталогизатор», «Комплектадор», «Китобхон», «Китобларни бериш», «Китобхоналарни рўйхатга олиш» каби автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Янгилик, шубҳасиз, аҳолининг барча қатламларига жаҳон илм-фани ва маданияти дурдоналаридан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, у китобхоналарга хизмат кўрсатиш, китоб бериш, кутубхонага келиш бўйича статистика маълумотларини тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишларини энгиллаштиради.

Саҳифа ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

УШБУ
СОҲИДА

2-бет

3-бет

4-бет

5-10-бетлар

Иқтисодиётнинг реал сектори ривожини учун

Корхона шаклини танлаш муҳим масала

Низолар судда ҳал этилади

Янги қонун ҳужжатлари

\$1 = 1383,70 сўм

€1 = 1865,50

£1 = 2081,50 сўм

¥10 = 152,24 сўм

www.interpress.uz

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon 7 днел • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPSI • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

119-0000
155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИГА ЯНГИ УФҚЛАР ОЧИЛМОҚДА

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш бўйича Президентимиз Фармонида белгиланган чора-тадбирлар¹ тугаётган йилнинг энг салмоқли ва фаол муҳокама қилинаётган воқеаларидан бири бўлди.

Эндиликда бизда устав фонди 400 минг АҚШ долларидан кам бўлган бирорта ҳам янги АЖ ёки ЁАЖ пайдо бўлмаслигини эслатамиз. 2010 йилнинг 1 январигача эса ташкил этиб бўлинган барча акциядорлик жамиятлари ўз устав фондлари ҳажмини кўрсатилган миқдорга етказишлари ёки ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўзгартиришлари шарт бўлади. Ушбу чора фонд бозоримизни қай даржада «силкитиши»ни айтишга ҳолат бўлмаса керак? Унда фақат йирик АЖлар қолади, уларнинг акциялари ликвид акцияларга айланади – вассалом!

Иккинчи чора-тадбир тижорат банкларига тегишли. Улар зиммасига банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини мулк сифатида харид қилиш, уларнинг молиявий соғломлаштирилишини таъминлаш ва истиқболли инвесторларга қайта сотиш мажбурияти юкланди. Шуъба носоҳа тузилмаларини кредитлаш орқали ўз пассивларини саноат эҳтиёжларига жалб этишга имкон мамлакатимиз банк секторининг ишончлилиги ва пухталиги туфайли яратилди десак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва қимматли қоғозлар бозори муаммоларини тадқиқ қилиш марказининг директори Игорь БУТИКОВ бўлғуси ўзгаришларни қуйидагича шарҳлайди.

– Ушбу Фармоннинг эълон қилиниши иқтисодиётга таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан – йилнинг энг аҳамиятли воқеаларидан бўлди. 2010 йилга келиб республикада акциядорлик жамиятлари миқдори бир неча баравар қисқаради – улар сафида фақат йирик корхоналар қолади. Бунда мантиқ қуйидагича: акциядорлик ташкилий-ҳуқуқий шакли самарали ва, моҳиятига кўра, мисол учун, темир йўллар, аэропортилар қурилиши сингари ва ҳоказо йирик инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун маблағларни жамлайдиган йирик корхоналар учун мўлжалланган. Айни шундай АЖлар майда инвесторларнинг маблағла-

рини жалб этиб, шубҳасиз, уларга тегишли кафолатлар бериши керак. Сунъий «акциядорлик корпорациялаштириш»га барҳам берилади: зеро, акциядорлик жамиятлари учун энг кам миқдор сифатида белгиланган капитални тўплаш учун АЖ акциялар чиқариши керак. Бироқ АЖ учун устав фондининг энг кам миқдори сўм эквивалентида ҳозиргача 50 минг долларни ташкил этган (тахминан Тошкент марказида битта уч хонали квартиранинг қиймати). Бундай миқдордаги устав фондини шакллантириш учун кўп инвесторларнинг молиявий маблағларини бирлаштириш ва АЖ мақомига эга бўлиш умуман шарт эмас.

Шубҳасиз, ушбу чора-тадбир

иқтисодиётга жуда катта таъсир кўрсатади. Корхоналарнинг салмоқли миқдори бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллarga, чамаси, масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилади. Бироқ, фикримча, уларнинг кўпчилиги бундай ҳолатдан хурсанд бўлади, зеро, АЖ бўлганда, улар очик-ошкор бўлишга, энг муҳим далиллар тўғрисидаги ахборотни ОАВ орқали мунтазам ёритишга мажбурлар, улар ўз режаларини рақобатчилардан яширишга қийналадилар. Улар ҳар йили аудит ўтказишлари, қимматли қоғозлар билан ишлаш бўлимига эга бўлишлари, регулятив орган учун катта ҳажмли ҳисоботлар тайёрлашлари керак. Буларнинг ҳаммаси эса арзонга тушмайди. Ниҳоят, бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллarga мансуб субъектлардан фарқли равишда, улар



махсус назорат органи – Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг назоратида бўладилар. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириб, ушбу корхоналар ўз ҳаракатлари учун кўпроқ тезкорликка эга бўладилар. Уларнинг кузатув кенгаши ташкил этишлари, ўзлари тўғрисидаги ахборотни очиб беришлари, 1-МБ ва 2-МБ шакллари бўйича ҳисоботлар тайёрлашлари, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилишлари ва ҳоказолар мажбурий бўлмайди. Эмитентлар камади, бироқ улар миқдори бўйича акциядорлик жамиятларидек фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўпроқ жавоб берадиган бўладилар.

Энди банклар ва уларнинг саноат корхоналарини инқироз ҳолатидан чиқариш бўйича юмушига келсак... Жаҳон амалиётида корпоратив бо-

шқарув тизимининг турли моделлари ишлаб чиқилган. Банклар нобанк, хусусан саноат тузилмаларининг устав капиталда фаол иштирок этадиган тизим – немис тизимидир. Америкача тизимда яқин вақтгача банклар нобанк сектор корпорацияларининг устав капиталларини шакллантиришда иштирок этишга қўйилмаганлар, чунки бундай ҳолатда улар ўз «шуъба корхоналари»ни самарасиз кредитлаш жараёнига осонгина жалб этилишлари мумкин деб ҳисобланган.

Шу сабабли бизда банкларнинг саноат капиталда иштирок этиш концепцияси бир қадар бошқача. Банкларимиз бозор инфратузилмасининг энг юқори даражада ташкил этилган институти ва бизнеснинг барқарор субъектлари ҳисобланадилар, юқори малакали кадрларга эгалар. Шу боис ҳам улар зиммасига саноатга шунчаки кредитлаш даражасида эмас, балки корхонага инвестиция қўйиш билан ёрдам бериш мажбурияти юкланди. Бунда уларнинг кейинроқ бозор қиймати бўйича истиқболли инвесторларга реализация қилиш учун саноат объектларини харид қилишлари ва уларни технологик модернизациялаш билан шуғулланишлари принципиал қолидадир.

Фикримча, ушбу чора-тадбир қимматли қоғозлар бозорида ижобий акс этиб корхоналаримиз акцияларининг ликвидлигини оширишга ёрдам беради.

Юлия ЯШИНА,
«Норма маслаҳатчи»
муҳбири.
Муаллиф олган сурат.

РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДХ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни «эшикдан эшиккача» етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 16 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи.*

1 Австралия доллари	925,70	1 Малайзия ринггити	388,90
1 Англия фунт стерлинги	2081,50	1 Польша злотийси	475,96
1 Дания кронаси	250,52	1 СДР	2099,03
1 БАА дирҳами	376,77	1 Туркия лираси	890,99
1 АҚШ доллари	1383,70	1 Швейцария франки	1182,25
1 Миср фунти	251,35	1 ЕВРО	1865,50
1 Исландия кронаси	11,89	10 Жанубий Корея вони	10,24
1 Канада доллари	1118,96	10 Япония иенаси	152,24
1 Хитой юани	202,12	1 Россия рубли	49,76
		1 Украина гривнаси	184,82

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДХ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	17.12.2008	1-	0,802	1	1,1359	1	0,0295
Арманистон	17.12.2008	1	308,34	1	434,52	1	11,19
Беларусь	17.12.2008	1	2200,00	1	3101,78	1	79,94
Грузия	18.12.2008	1	1,6545	1	2,3323	1	0,0601
Қозғистон	16.12.2008	1	120,60	1	162,22	1	4,33
Қирғизистон	13.12.2008	1	39,3993	1	52,3361	1	1,4168
Латвия	18.12.2008	1	0,50	1	0,702804	1	0,0184
Литва	18.12.2008	1	2,4517	1	3,4528	10	8,8945
Молдова	17.12.2008	1	10,3781	1	14,1766	1	0,3754
Тожикистон	17.12.2008	1	3,4188	1	4,6028	10	1,2494
Ўзбекистон	16.12.2008	1	1383,70	1	1865,50	1	49,76
Украина	17.12.2008	100	773,83	100	1059,3733	10	2,8036
Эстония	17.12.2008	1	11,1016	1	15,6466	1	0,403002

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда
- Суғурта аҳоли манфаатларига хизмат қилади
- Автоматлаштирилган тизим тақдироти
- «Иқтисодиётнинг реал секторига янги уфқлар очилмоқда»
- Валюталар курси
- Танлашда қандай қилиб янглишмаслик керак

• ҲУҚУҚ МАЙДОНИДА

- Инкассация қилиш мажбурий
- Солиқ солиш ислоҳоти **4-бет**
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- ЎЗР Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари:
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.
- Распоряжение Президента

Республики Узбекистан:

- Об утверждении порядка реализации коммерческим банкам экономически несостоятельных предприятий.
- Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
- ЎЗР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, МВ, МББнинг «Қимматли қоғозлар бозоридаги институционал инвесторлар фаолиятининг профессионал стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

- ЎЗР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, МВ, МББнинг «Институционал инвесторлар томонидан корпоратив қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларнинг сифати ва минимал даражасига ўрнатилган меъёрий талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
- Меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 8 ноябрдан 21 ноябргача бўлган маълумот.
- 5-10-бетлар
- **ТОР**
- 11-16-бетлар

Мавзуга оид савол

? **Биз газетангизнинг доимий обуначисимиз, унда чоп этилаётган кўп мақолалар корхона-ни бошқаришни ташкил этишда жуда ҳам ёрдам бермоқда. Жорий йилнинг 18 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони чиқди.**

Фармон чиққанидан сўнг бир неча ҳафта ўтди, бироқ ҳозиргача Фармонни тўғри бажариш бўйича на шарҳлар, на тавсиялар, на қоидалар чоп этилмади.

Фармонни бажаришни режалаштираётганда кўп саволлар туғилади, мавжуд меъёрий ҳужжатларда уларни тартибга солиш акс эттирилмаган.

2003 йили газетангизда «АЖни қандай қилиб МЧЖга айлантирса бўлади» мақоласи чоп этилган эди, эҳтимол, ушбу мақолани мутахассисларнинг тавсиялари бўйича ўзгартишлар билан яна бир марта чоп этиш керакдир?

Агар бундай мақолани чоп этиш хоҳишингиз бўлса, биз ҳал этилмаган масалаларни кўрсатардик. Ҳурмат билан Ф.Маликов, «USUB» ОАЖ бош директори.

КОРХОНА ШАКЛИНИ ТАНЛАШДА ЯНГЛИШМАСЛИК УЧУН

Президентнинг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони* 1-бандида белгиланишича, фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январига қадар ўз устав фондларини камида 400 000 АҚШ долларига эквивалент суммага етказишлари шарт. Агар бирор-бир объектив сабабларга кўра акциядорлик жамияти ўз устав фонддини Фармон билан белгиланган миқдоргача кўпайтира олмаса, у қайта ташкил этишни ўтказишга мажбур, бунинг натижасида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаради.

СЎЗ БОШИДА акциядорлик жамиятининг устав фонддини кўпайтириш бўйича Фармонни бажариш вариантларига қисқача тўхталамиз.

Биринчиси – устав фонддини кўпайтиришнинг умумқабул қилинган варианты «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси билан тартибга солинади, у устав фонддини акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришни кўрсатади. Устав фонддини кўпайтириш манбаси акциядорлар ва учинчи шахслардан жалб этиладиган қўшимча инвестициялар ҳам, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси билан белгиланган тартибда капиталлаштирилган тақсимланмаган фойда кўринишида жамиятнинг ўз резервлари ҳам бўлиши мумкин.

Устав фонддини кўпайтиришнинг **иккинчи** варианты фаолият тури бўйича ўхшаш ёки муайян тарзда бир-бирига боғлиқ бўлган акциядорлик ва бошқа хил хўжалик жамиятларини, акциядорларнинг хоҳишига боғлиқ ҳолда ҳамда мавжуд объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олиб, қўшиш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан йириклаштириш бўлиши мумкин.

ЎЗ УСТАВ капиталларини кўпайтириш имкониятига эга бўлмаган акциядорлик жамиятлари нима қилишлари керак?

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 100-моддаси акциядорлик жамиятининг фақат бошқа хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантиришга йўл қўяди. Фуқаролик кодексининг 58-моддаси хўжалик ширкатлари ва жамиятларига таъриф бериб, уларни: тўлиқ ёки командит ширкат, тўлиқ ёки чекланган масъулиятли жамият шаклида ташкил этишни назарда тутди.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг айрим хусусиятларини акциядорлик жамиятини ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантириш имконияти ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.


Биз учун икки омил – субъект таркиби ва уларни бошқариш тартибининг хусусиятлари муҳим.

Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик

ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ширкатларнинг икки шакли – тўлиқ ширкат ва командит ширкатни назарда тутди.

Тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари ва командит ширкатлардаги тўлиқ шериклар фақат якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) юридик шахслар бўлиши мумкин. Командит ширкатда тадбиркорлик фаолиятини ширкат номидан тўлиқ шериклар амалга оширадilar, командистлар (ҳиссачилар) ширкат амалга ошираётган тадбиркорлик фаолиятида иштирок этмайдилар. Шахс фақат битта командит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин. Тўлиқ ширкат иштирокчиси командит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди.

Хулоса. Акциядорлик жамияти командит жамиятга айлантирилиши мумкин ва, акциядор жисмоний шахсларнинг борлигини ҳисобга олиб, тўлиқ ширкатга айлантирилиши мумкин эмас.



йўқлиги ва ширкат бухгалтерия ҳисобини юритишдаги қийинчиликлар туфайли (муаллифга ҳатто прецедент маълум эмас) – акциядорлик жамиятини хўжалик ширкатларига ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида ўзгартиришнинг тўлиқ ширкат билан бўлган ҳолатда иложи йўқ, командит ширкатда эса – мақсадга мувофиқ эмас.

АМАЛИЙ нуқтаи назардан олганда – масъулият чекланган жамият ўзгартириш учун энг афзал шаклдир. Қўшимча масъулиятли жамият шакли мантиққа кўра тадбиркор учун номақбул, чунки жамият иштирокчилари учун жамият қарзлари бўйича тўлиқ солидар жавобгарликни белгилаб, иштирокчиларга ҳам, жамиятнинг ўзига ҳам бошқа шахслар

ва унинг амал қилиш доирасига, одатда, тегишли устав фонди ва акциядорлар миқдорига эга бўлган, улар миқдорини зарур миқдоргача «етказиш» мумкин бўлган кичик акциядорлик жамиятлари тушган эди. «Керакли миқдорга етказиш» асосан жамият акцияларини бошқа акциядорлар ва жамиятнинг ўзи томонидан сотиб олиш йўли билан, шунингдек доимий яшаш учун бошқа мамлакатларга кўчиб кетган кўп акциядорлар ҳисобига амалга оширилган.

Ҳозир муаммо анчагина мураккаб. Фармоннинг амал қилиш доирасига айлантириш учун зарур иштирокчилар сонидан анчагина ошадиган акциядорлар миқдорига эга бўлган

эга бўлиши кераклигини аниқламайди, мисол учун, жамият овоз берувчи акцияларининг 1%га эгаллик қилиш акциядорга умумий йиғилиш кун тартибига масалалар киритиш ва судга жамият бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқини беради; 10%га эгаллик – навбатдан ташқари йиғилиш қақариш ва тафтиш комиссияси томонидан жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти текширилишини талаб қилиш ҳуқуқи демак; 25%га эга бўлиб, акциядорлар умумий йиғилишининг айрим қарорлари ижросини тўхтатиш мумкин ва ҳоказо.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, акциядорлар турли гуруҳлари манфаатларининг мувозанатини, хорихда ҳамда Ўзбекистонда амал қиладиган ҳуқуқ-тартиботни белгилаб, барча гуруҳларнинг тенг ҳимояланишини мустаҳкамлаб, айти вақтда баъзиларнинг манфаатларини бошқалар фойдасига чеклашга йўл қўйилади, бунда манфаатларни чеклаш мутаносиб пул компенсацияси билан қопланиши муҳим. Хусусан, жамиятнинг акциядор ҳуқуқларини жамоа манфаати фойдасига чеклашни компенсациялаш мажбурияти «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасида белгиланган ҳолларда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг акциядор рози бўлмаган йирик битим тузиши тўғрисида қарор қабул қилинганида, уставга акциядорнинг ҳуқуқини чеклайдиган ўзгартишлар киритилганда бошланади. Тавсияланаётган ҳолларда акциядорнинг акцияда мужассамланган мулк ҳуқуқлари ва тегишли мулк манфаат бозор қиймати бўйича пул эквивалентида баҳоланади, яъни Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди оммавий ва хусусий манфаатлар мувозанати белгиланганида, хусусий шахснинг мулк ҳуқуқи камситилганида ёки ундан маҳрум қилинганида риоя этилиши зарур бўлган асосий принциплардан бирига қирпган мутаносиб компенсация принципи таъминланади.

Агар келтирилган асос-далиллар умумий асослар ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун маъносига, оқилоналик ва адолат талабларига мувофиқ келса, акциядорлик жамиятини айлантириш қисмида Фармонни бажариш пайтида ҳуқуқий тартибга оид муаммолар бўлмайди, бироқ...

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасига ўхшаб, акциядорларга бутун акцияга (касрли акцияларга) конвертациялаш учун етмаган акцияларни мустақил баҳоловчи белгиланган бозор қиймати бўйича сотиб олишни амалга ошириш каби жамият мажбуриятини меъёрларга асосан мустаҳкамлаш Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га эса (АВ томонидан 1999 йил 1 декабрда 844-сон билан рўйхатдан ўтказилган) консолидация билан боғлиқ глобал депозитар операцияни амалга ошириш қоидаларини аниқлаштириш мақсадида акциядорларнинг (депонентларнинг) депо ҳисобварақларида бир номинал қийматдаги акцияларни белгиланган коэффициентга мувофиқ бошқа номинал қийматдаги акциялар миқдори билан алмаштираётганда (ҳисобдан чиқаришқайд этишда) депозитарийларнинг кадамма-қадам ҳаракатларини белгилаб берадиган қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Акцияларни консолидациялаш якунлари бўйича акциядорлар миқдорини эллик нафарга ва ундан камга етказиб, масъулият чекланган жамиятга айлантириш йўли билан қайта ташкил этишнинг ўзини «СБХ»нинг 2003 йил 14 апрелдаги 14 (454)-сонидан келтирилган тавсияларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиш тақлиф қилинади.

Александр ЦОЙ, адвокат. «Advice optim» адвокатлик фирмаси.

ДАРВОҚЕ

Германияда Акциядорлик қонунига кўра жамият янгиликларига алмаштириш учун зарур миқдорга етмаган акцияларни ўз кучини йўқотган деб эълон қилиши мумкин. **Буюк Британияда** консолидациялаш мумкин, бироқ фақат бунда касрли акциялар ҳосил бўлмаслиги керак. **Японияда** Тижорат кодексига мувофиқ, агар акциялар консолидацияланганида касрли акциялар ҳосил бўлса, бекор қилиниши керак. **АҚШда** касрли акциялар ҳосил бўлганида эгалари консолидация натижасида олинган бир акция қиймати миқдорига пул компенсацияси оладилар. **Қирғизистонда** жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият томонидан акциялар бир қисми сотиб олиниши ёки уларни консолидациялаш йўли билан муомаладаги акциялар миқдорини камайитиришга ҳақли. **Россия Федерациясида** акцияларни консолидациялаш тўғрисидаги меъёрларнинг конституциявийлиги РФ Конституциявий суди томонидан текширилган ва қонуний деб топилган.

билан ҳуқуқий муносабатларда ҳеч қандай афзалликлар бермайди – жавобгарлик бор, рағбат эса йўқ.

Масъулият чекланган жамиятга айлантиришни танлашдаги асосий муаммо – «Масъулият чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган иштирокчилар миқдорининг чекланиши, у эллик нафар иштирокчидан ошмаслиги керак.

Бундай муаммо Президентнинг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3202-сон Фармони (бундан кейин – Фармон) амалга оширишда вужудга келган, бунда устав фонди камида 50 000 АҚШ долларига эквивалент суммага кўпайтирилган

Агар командит ширкатга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинса, акциядорлар бошқарув органини шакллантиришлари керак, унга манфаатларни тақдим этиш ва ширкатни бошқариш ваколатлари бериллади. Ширкат ишларини бошқарувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор бўлиши мумкин, ҳиссачилар (командистлар) командит ширкат бошқарувида ва ишларини юритишда иштирок этишга ҳақли эмаслар, унинг номидан фақат ишончнома бўйича чиқишга ҳақлилар. Ҳиссачилар шунингдек тўлиқ шерикларнинг ширкатни бошқариш ва ишларини юритишга доир ҳаракатларига қарши чиқиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Бунинг оқибатида, мавжуд чекловлар, фаолият юритиш амалиётининг

* 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон.

ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ МАЖБУРИЙ

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

Кўзгатилган жиноят иши доирасида солиқ органи шубба корхона (ШК)нинг молия-хўжалик фаолиятини текширди. Натижада давлат органи ШКга нисбатан 900 000 сўм миқдорда молиявий жазо қўллаш тўғрисида қарор чиқарди. Субъект кўрсатилган суммаларни ихтиёрий равишда тўламаганлиги сабабли солиқ органи уларни ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво билан мурожаат қилди. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризадасидаги талаблар қондирилди ва ШКга нисбатан 1,2 млн сўм миқдорда молиявий жазо қўлланди. Апелляция тартибиде иш қўриб чиқилмади. Қабул қилинган далолатномага қўшилмаган ШК биринчи инстанция суди қабул қилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида кассация шикоятини билан Олий хўжалик судига мурожаат қилган.

СОЛИҚ ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Текширув давомида солиқ органи куйидагиларни аниқлади:
– аҳолига нақд пулда хизматлар кўрсатилишидан олинган 900 000 сўм миқдордаги пул суммалари ўз вақтида инкассация қилинмаган ва банкка топширилмаган. Кўрсатилган ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда инкассация қилинмаган маблағлар миқдори 300 000 сўмни ташкил қилган;
– ШКнинг қвитанция дафтарида солиқ органида рўйхатдан ўтказилмаган эди.

ШУҒБА КОРХОНАНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Корхона кассасидан топилган пул суммалари аҳолига хизматлар кўрсатишдан олинган тушум ҳисобланмайди. Улар бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ва инкассация қилиниши шарт эмас. ШКга нисбатан молиявий жазони қўллаш асоссиздир.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, куйидагиларни аниқлади:
хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсларига (директор ва бош бухгалтер) нисбатан жиноят иши кўзгатилган, унинг доирасида давлат органи субъект фаолиятини текширган;
текширув давомида ШК касса операцияларини юритиш қоидаларини бузганлиги аниқланди. Натижада субъект 1,2 млн сўм миқдорда пул маблағларини олган;
жиноий ишлар бўйича суднинг ажрими билан белгиланишича, қвитанция дафтарида ва кирим ордери солиқ органида рўйхатдан ўтказилмаган, нақд пул маблағларини инкассация қилиш шартномалари тузилмаган, пул маблағлари корхона директорида топширилган.
Кассация ҳайъати қонун қоидаларини таҳлил қилиб, куйидагиларни белгилади:
– Хўжалик процессуал кодекси (ХПК) 60-моддасининг тўртинчи қисмига кўра суднинг жиноят иши бўйича ажрими билан аниқланган савдо қоидаларини бузиш ҳолати қайтадан исбот қилинмайди;
– ХПКнинг 40-моддасига мувофиқ суд даъвогарнинг арз қилинган, яъни 900 000 сўм миқдордаги талабинигина қондириши керак.
Баён этилганлар асосида ва ХПКнинг 187 ҳамда 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ва ШКга нисбатан фақат арз қилинган талаблар миқдоридеги молиявий жазони қўллаш тўғрисида қарор қилди.

1995 йилнинг 1 январидан бошлаб барча чакана савдо корхоналари аҳоли билан нақд пул маблағларида ҳисоб-китоблар қилинганда назорат-касса машиналарини қўллашлари шарт, аҳолига хизматлар кўрсатадиган корхоналар эса, агар улар қвитанциялар, талонлар, чипталар ва уларга тенглаштирилган чеклар ёзиб беришса, НКМни қўллашлари шарт эмас (АВ томонидан 1995 йил 15 февралда 124-сон билан рўйхатдан ўтказилган Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошираётганда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида низомга 1-иловланинг 1-банди). Бунда Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарори билан тасдиқланган) 41-бандининг маъносидан келиб чиқадики, қвитанция, чек ёки қатъий ҳисобдаги бошқа ҳужжат туман (шаҳар) солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказилиши керак. Мазкур қоида кирим ва касса ордерларига татбиқ этилмайди.

Аҳолига нақд пулда хизматлар кўрсатишда юридик шахслар Касса операцияларини юритиш қоидаларига (МБ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Қоидалар) риоя қилишлари шарт. Чунончи, масалан, корхоналарнинг кассалари томонидан нақд пул қабул қилиниши бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс имзолаган кирим касса ордери бўйича (Қоидалар 11-бандининг иккинчи хатбоши), берилиши эса – чиким касса ордерлари ёки лозим даражада расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар (тўлов қайдномалари, пул беришга аризалар, тўловномалар ва ҳоказо) бўйича, ушбу ҳужжатларга чиким ордери реквизитлари билан штамп қўйилган ҳолда (Қоидалар 13-бандининг биринчи хатбоши) амалга оширилади. Пул қабул қилинаётганида уларни топширган шахсга бош бухгалтер ва кассир имзолаган, кассир мўҳри (штампи) ёки касса аппаратининг изи билан тасдиқланган қвитанция берилди. Пул қабул қилиниши ва берилишини корхона кассири касса дафтарида акс эт-

тириши керак (Қоидаларнинг 22-банди). Пул корхона кассасида сақланади*.

Иш куни давомида корхона кассасига келиб тушган пул маблағлари инкассация қилиниши керак, банк хизмат кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъект билан инкассация хизмати ўртасида тузилган шартнома бўйича пул маблағлари қолдигининг лимити бундан мустасно. Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқноманинг (МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 26 октябрда 1518-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Йўриқнома) 26-бандига кўра кассадаги нақд пуллар қолдигининг куйидаги лимитлари белгиланиди:

доимий нақд пул тушумига эга ва уни ҳар куни иш куни охирида банкка топшириши лозим бўлган юридик шахслар учун – кейинги иш куни эртасига нормал иш фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда;

кейинги кунда топшириши шарт бўлган юридик шахслар учун – ўртача кунлик нақд пул тушумидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

тушумини ҳар куни топширмаслик ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар учун – тушум суммаси ва уни топшириш бўйича белгиланган муддатга боғлиқ бўлган миқдорда;

доимий нақд пул тушумига эга бўлмаган юридик шахслар учун – ўртача кунлик нақд пул харажати миқдорда (меҳнат ҳақи тўловлари, вақтинча ишга лаёқатсизлик бўйича нафақа, мукофот ва стипендия харажатларидан ташқари).

Бунда юридик шахслар ўз кассаларида нақд пулларни белгиланган лимитлардан ортиқча миқдорда фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий сўғурта бўйича нафақалар, пенсия ва стипендиялар бериш учун, банкдан олинган пулни қўшиб ҳисоблаган ҳолда 3 иш

қунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида (банклардан узоқ масофада жойлашган юридик шахслар эса 5 иш кунига) сақлаш ҳуқуқига эга (Йўриқноманинг 27-банди). Бироқ уларга ўз кассаларида қўтилаётган харажатлар учун белгиланган лимитдан ортиқ нақд пул тўлашга рухсат этилмайди. Белгиланган лимитдан ортиқ суммаларни хўжалик юритувчи субъект банкнинг кундузги ва кечки кассаларига, кўпинча банкка топшириш учун инкаторлар ёки кейинчалик инкассаторлар орқали банкка топшириш учун корхонанинг бирлашган кассаларига топшириши керак (1518-сон Йўриқноманинг 29-банди).

Солиқ органида рўйхатдан ўтказилмаган қвитанция дафтарида, инкассация қоидаларига риоя қилмаслик, корхона кассасида белгиланган лимитдан ортиқ пул бўлиши, шунингдек касса операцияларини юритиш қоидаларининг даромадни яширишга олиб келган бошқа бузилишлари айбдорларни маъмурий (МЖТКнинг 174-моддаси) ёки жиноий (ЖКнинг 184-моддаси) жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 15-моддаси иккинчи қисмининг маъносидан келиб чиқишича, даромадни яширганлик учун жавобгарликка корхона бош бухгалтери ва раҳбарлиқ тортилади. Жиноий жавобгарликка мазкур шахслар фақат улақ. ... нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ва агар ҳуқуқбузарлик анча миқдорда** содир этилган бўлса, тортилади (ЖК 184-моддасининг биринчи қисми бўйича). Агар даромадни яшириш кўп миқдорда содир этилган бўлса, айбдорлар ЖК 184-моддасининг иккинчи қисми бўйича агар жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса – кўрсатилган модданинг учинчи қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Суд амалиёти таҳлилинини «Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими амалга оширган.

*Бу махсус жиҳозланган ва бошқа хоналардан ажратилган хона бўлиб, нақд пулларни қабул қилиш, бериш ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган (Қоидалар 28-бандининг биринчи хатбоши).

**ЭКИХнинг 30 бараваридан 100 бараваригача бўлган миқдор анча миқдорни, энг кам иш ҳақининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдор кўп миқдорни ва ЭКИХнинг 300 бараваридан кўп миқдор жуда кўп миқдорни ташкил қилади.

Хорижий тажриба

Россия Молия вазирлиги «2009 йилга ҳамда 2010 ва 2011 йилларга бўлган режали даврга солиқ сийёсатининг асосий йўналишлари»ни эълон қилди. Солиқ режасига бир нечта янгиликлар киритилди, уларнинг амалга оширилиши иқтисодий тармоқларига ва оддий фуқароларга ютуқлар келтириши ёки бунинг акси бўлиши мумкин.

необходимость проведения полной реструктуризации или репрофилирования предприятия-банкрота, восстановления и увеличения объемов основного производства, освоения новых видов продукции, в том числе импортозамещающих и экспортоориентированных, с сохранением или увеличением числа рабочих мест на предприятии-банкроте;

оценочная стоимость имущества предприятия-банкро-

та составляет не менее 2 млн. долларов США в эквиваленте;

имеется возможность создания или сохранения на предприятии более 100 рабочих мест;

деятельность предприятия-банкрота относится к тем отраслям реальной экономики, развитие которых признано правительственными решениями приоритетными;

на продукцию предприятия-банкрота имеется спрос на внутреннем и (или) внешнем рынке.

V. ОРГАНИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОМИССИИ

9. Комиссию возглавляет председатель, который руководит ее работой, утверждает план работы и другие документы Комиссии.

10. Заседания Комиссии проводятся в соответствии с планом работы либо по мере необходимости, но не реже одного раза в месяц. Заседания Комиссии ведет председатель, а в его отсутствие заместитель председателя Комиссии.

11. Решения Комиссии принимаются простым большинством голосов членов Комиссии при участии на заседании не менее трех четвертей ее членов. При равенстве голосов членов Комиссии голос председателя Комиссии является решающим.

12. Решения Комиссии оформляются протоколом, подписываемым членами Комиссии, участвовавшими на заседании, и утверждаемым председателем Комиссии. При подписании протокола члены Комиссии вправе приложить к протоколу свое особое мнение.

13. Отсутствующих на заседании по объективным причинам членов Комиссии замещают их полномочные представители, участвующие без права голоса.

14. В исключительных случаях принятие решений Комиссии по отдельным вопросам может быть принято опросным путем.

15. Сообщение о дате, времени и месте проведения заседания Комиссии, а также материалы к заседанию направляются членам Комиссии не позднее, чем за два дня до заседания.

16. Информация, связанная с работой Комиссии, является конфиденциальной и не подлежит разглашению третьим лицам, не участвующим в организации и процессе проведения аукционных и конкурсных торгов.

VI. ПОРЯДОК ПОДГОТОВКИ МАТЕРИАЛОВ К ЗАСЕДАНИЮ КОМИССИИ

17. Материалы к заседанию Комиссии готовятся Рабочим органом совместно с органами государственного и хозяйственного управления, коммерческими банками, предприятиями и судебными управляющими, а также членами Комиссии, ответственными за их подготовку, в соответствии с планом работы Комиссии.

18. Документы к каждому вопросу повестки дня Комиссии должны содержать материалы, необходимые для принятия решения (аналитические справки, таблицы, бизнес-планы финансового оздоровления, экспертные заключения, ходатайства и т. п.) и проект решения Комиссии.

VII. РАБОЧИЙ ОРГАН И СЕКРЕТАРЬ КОМИССИИ

19. Рабочий орган Комиссии:

готовит проект плана работы Комиссии на очередной период, обеспечивает своевременную подготовку всех необходимых материалов к заседаниям Комиссии;

вносит на рассмотрение Комиссии в соответствии с критериями, определенными настоящим Положением, предложения по перечню предприятий-банкротов, кото-

рые подлежат реализации на аукционных торгах;

разрабатывает и вносит на заседание Комиссии предложения по условиям проведения аукционных торгов для реализации предприятий-банкротов коммерческим банкам;

участвует при проведении аукционных торгов государственным предприятием «Республика мулк аукциони» по продаже коммерческим банкам предприятий-банкротов;

вносит на заседание Комиссии, для утверждения, результаты аукционных торгов по продаже предприятий-банкротов и проекты договоров купли-продажи предприятий-банкротов с принятием коммерческими банками инвестиционных обязательств по обеспечению восстановления, модернизации, технического и технологического перевооружения производства и выпуска конкурентоспособной продукции;

вносит на заседание Комиссии предложения о выставлении предприятия-банкрота на повторные аукционные торги со снижением стартовой цены либо реализации предприятия-банкрота на конкурсных торгах по нулевой выкупной стоимости с принятием инвестиционных обязательств, в случае нереализации предприятия-банкрота на аукционных торгах;

контролирует подготовку экспертными группами заключений по конкурсным предложениям;

разрабатывает и вносит на заседание Комиссии предложения о конкурсной документации для проведения конкурсных торгов по реализации коммерческим банкам предприятий-банкротов по нулевой выкупной стоимости с принятием инвестиционных обязательств;

по поручению Комиссии публикует объявления в средствах массовой информации о проведении и об итогах аукционных и конкурсных торгов;

выступает наряду с коммерческими банками и судебными управляющими предприятий-банкротов, третьей стороной договора купли-продажи предприятий-банкротов при их реализации коммерческим банкам;

проводит мониторинг за выполнением коммерческими банками принятых обязательств по восстановлению, модернизации производства и выпуска конкурентоспособной продукции и вносит на рассмотрение Комиссии результаты мониторинга;

на основании решения Комиссии обращается в суд с исковыми заявлениями о расторжении договоров купли-продажи с коммерческим банком, при невыполнении им принятых обязательств по внесению инвестиций и восстановлению производственной деятельности предприятия в сроки, предусмотренные договором;

запрашивает от органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах, коммерческих банков и предприятий-банкротов информацию, необходимую для проведения заседаний Комиссии;

осуществляет контроль по исполнению решений Комиссии и регулярно информирует Комиссию о его результатах;

осуществляет иные действия в соответствии с решениями Комиссии.

20. Секретарь комиссии:

оповещает членов Комиссии и приглашенных лиц о дате, времени, месте проведения заседания с направлением соответствующих материалов;

оформляет протоколы Комиссии и направляет утвержденные протоколы членам Комиссии и заинтересованным министерствам, ведомствам, объединениям юридических лиц, органам государственной власти на местах, предприятиям и соответствующим судебным управляющим;

ведет делопроизводство Комиссии.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ,
ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР
ФАОЛИЯТИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ СТАНДАРТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
2 декабрда 1874-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 49-сон, 483-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда) ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш

маркази, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Қимматли қоғозлар бозоридаги институционал инвесторлар фаолиятининг профессионал стандартлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
бош директори
К.ТОЛИПОВ.
2008-32-сон

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
102-сон

Давлат мулкини бошқариш
давлат қўмитаси раиси
Д.МУСАЕВ.

01/ҚҚБФМНҚМ-18/20-сон

Марказий банк раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.
306-В-сон

Тошкент ш., 2008 йил 7 ноябрь.

*2008 йил 12 декабрдан кучга киради.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази,
Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва
Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 7 ноябрдаги 2008-32,
01/ҚҚБФМНҚМ-18/20, 102, 306-В-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ
ПРОФЕССИОНАЛ СТАНДАРТЛАРИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда) ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, институционал инвесторларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолияти стандартларини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Қимматли қоғозлар бозорида институционал инвестор (кейинги ўринда — институционал инвестор) бўлиб, инвестиция фондлари, суғурта компаниялари ва тижорат банклари ҳисобланади.

2. Капитални кўпайтиришни ва уни ликвидли шаклда сақланишини таъминлаш, институционал инвесторларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

3. Қимматли қоғозларга фаол равишда пул маблағларини қўйиш, институционал инвесторларнинг асосий функцияси ҳисобланади.

**II. ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР
ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ
ТАМОЙИЛЛАРИ**

4. Институционал инвесторлар молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ўз активларини ишончлилик, диверсификациялаш, қайтаришлилик, фойдалилик ва ликвидлилик тамойиллари асосида қимматли қоғозларга инвестиция қиладилар.

5. Институционал инвесторлар қимматли қоғозлар бозорида инвестицияларни амалга оширишда куйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари лозим:

инвестицияларни профессионал бошқариш;
манфаатлардаги зиддиятлар тўғрисида огоҳлантириш;
ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш.

6. Инвестицияларни профессионал бошқариш институционал инвесторлар томонидан куйидаги йўллар билан таъминланади:

зарурат туғилганда, қимматли қоғозлари инвестиция объекти бўлиши мумкин бўлган эмитентнинг аффилиланган шахси ҳисобланмаган инвестиция маслаҳатчиларини инвестиция жараёнига ва тегишли малакага эга бўлган

(инвестиция активларини ишончли бошқарувчи) ташкилот мутахассисларини инвестиция активларини бошқариш жараёнига жалб қилиш;

инвестиция қилишнинг асосий йўналишлари (сиёсати) кўрсатилган йиллик бизнес-режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фаолиятини ташкил қилиш (инвестициялаш объектларини таҳлил қилиш, инвестиция қилинадиган маблағларни инвестициялаш объектлари ўртасида тақсимлаш нисбатини аниқлаш, даромадлиликни даврий баҳолаш).

7. Манфаатларда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни олдини олиш мақсадида, институционал инвесторнинг таъсисчилари ва мансабдор шахслари инвестиция қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилувчи орган томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар, ўзининг инвестиция объекти билан аффилиланганлиги тўғрисида ахборот бериши керак.

8. Ахборотларнинг шаффофлигини таъминлаш мазкур Низомнинг IV бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

III. ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕТОРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА НИСБАТАН ЎРНАТИЛГАН ТАЛАБЛАР

9. Институционал инвесторлар қимматли қоғозлар бозорида инвестицияларни амалга оширишда қуйидагиларни бажаришлари шарт:

а) қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ва монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатлари, шунингдек, мазкур Низом талабларига риоя қилиш;

б) инвестиция таваккалчиликларини тўғри (адекват) баҳолашни амалга ошириш ва самарали инвестиция қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган молиявий, техник, ахборот ресурслари ва малакали ходимларнинг мавжудлигини таъминлаш;

в) ўзлик маблағлари (капиталлари)нинг ва бошқа молиявий кўрсаткичларнинг етарлиги ва қонунчиликда ўрнатилган мажбурий меъёрларга мувофиқлигини таъминлаш;

г) ўз ходимларининг қонунчиликда ўрнатилган малакавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

10. Институционал инвестор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда ўз мижозларининг манфаатларига риоя этиши лозим.

11. Институционал инвесторнинг ички ҳужжатлари

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, унинг ходимларига нисбатан улар томонидан қимматли қоғозлар бозорида фаолиятни амалга оширилишидаги кўшимча талабларни қамраб олиши мумкин.

12. Инвестиция активлари бўйича зарар кўриш хавфини камайтириш мақсадида институционал инвесторлар қонунчиликда ўрнатилган меъёрий талабларга риоя қилган ҳолда ушбу активларни диверсификациясини таъминлайдилар.

IV. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕТОРЛАРНИНГ АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШИ ВА ҲИСОБОТ БЕРИШИ

13. Институционал инвесторлар ахборотларининг шаффофлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборотларни ошкор этиш орқали таъминланади.

14. Институционал инвесторнинг ижроия органи институционал инвесторнинг таъсисчилари олдида, ҳар йили қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тўғрисида ҳисобот беришга мажбур.

15. Институционал инвесторнинг ходимлари ва бошқарув органи аъзолари томонидан хизмат ва махфий ахборотлардан фойдаланиш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

16. Институционал инвестор томонидан қимматли қоғозлар билан бажарилган операциялар бўйича ҳужжатларнинг сақланилиши қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

18. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.
Б.УЛАШОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 7 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ
МАРКАЗИ, ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕТОРЛАР ТОМОНИДАН КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА ҚИЛИНАДИГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ СИФАТИ ВА МИНИМАЛ ДАРАЖАСИГА ЎРНАТИЛГАН МЕЪЁРИЙ ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
2 декабрда 1875-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 49-сон, 484-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда) ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

рат қилиш маркази, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Институционал инвесторлар томонидан корпоратив қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларнинг сифати ва минимал даражасига ўрнатилган меъёрий талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

*2008 йил 12 декабрдан кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази
бош директори
К.ТОЛИПОВ.
2008-33-сон**

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
103-сон**

**Давлат мулкани бошқариш
давлат қўмитаси раиси
Д.МУСАЕВ.
01/ҚҚБФМНҚМ-18/19-сон**

**Марказий банк раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.
305-В-сон**

Тошкент ш., 2008 йил 7 ноябрь.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази,
Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда
Марказий банк Бошқарувининг
2008 йил 7 ноябрдаги 2008-33,
01/ҚҚБФМНҚМ-18/19, 103, 305-В-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕТОРЛАР ТОМОНИДАН КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА ҚИЛИНАДИГАН
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ СИФАТИ ВА МИНИМАЛ ДАРАЖАСИГА ЎРНАТИЛГАН МЕЪЁРИЙ
ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда) мувофиқ, институционал инвесторлар томонидан корпоратив қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларнинг сифати ва минимал даражасига ўрнатилган талабларни белгилаб беради.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Қимматли қоғозлар бозорида институционал инвестор (кейинги ўринда — институционал инвестор) бўлиб, инвестиция фондлари, суғурта компаниялари ва тижорат банклари ҳисобланади.

2. Институционал инвесторлар қимматли қоғозлар билан операцияларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширадилар.

**II. КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА
ҚИЛИНАДИГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ СИФАТИГА
НИСБАТАН ЎРНАТИЛГАН АСОСИЙ
МЕЪЁРИЙ ТАЛАБЛАР**

3. Корпоратив қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларнинг сифатини таъминлаш мақсадида, институционал инвестор унинг бошқарув органи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган инвестиция сиёсати тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади.

4. Институционал инвесторнинг инвестиция сиёсати тўғрисидаги низомида қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

а) қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган шахслар учун битимлар бўйича қарорлар қабул қилиш ва чекловлар ўрнатиш ваколатлари;

б) қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари;

в) қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар устидан мониторинг юритадиган ахборот тизимида қўйиладиган талаблар;

г) инвестицион стратегияси ва мақсадлари (масалан, фойда олиш, институционал инвесторнинг акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиши, ликвидлиликни сақлаш, гаров талабларига мувофиқ келиш ва ҳ. к.);

д) институционал инвестор маблағларини инвестиция қилишни режалаштираётган қимматли қоғозларнинг хиллари ва турлари (тоифалари), инвестиция муддатлари;

е) институционал инвестор қандай усуллар ёрдамида:

эмитент ва уларнинг фаолият тармоқлари бўйича акциялар концентрациясини чегаралашни;

қимматли қоғозларга қилинган қўйилмаларнинг хавфсизлигини ва уларнинг сифатини баҳолашни;

қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ҳолатини ва бошқариш тажрибасини баҳолашни;

инвестициялар диверсификациясини амалга оширишни режалаштирмоқда;

ж) корпоратив қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларнинг минимал даражасига нисбатан меъёрий талаблар.

**III. КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАРГА ҚИЛИНАДИГАН
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МИНИМАЛ ДАРАЖАСИГА
ЎРНАТИЛГАН МЕЪЁРИЙ ТАЛАБЛАР**

5. Молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида, институционал инвесторлар ўз активларини ишончлилик, диверсификациялик, қайтаришлилик, фойдалилик ва ликвидлилик тамойиллари асосида инвестиция қиладилар.

6. Институционал инвесторнинг битта корхона устав капиталига, шунингдек, ушбу корхонанинг бошқа қимматли қоғозларига қилинадиган қўйилмалари, қонун ҳужжатларига ҳамда юқорида келтирилган инвестиция сиёсати тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

7. Институционал инвестор корпоратив қимматли қоғозларнинг хиллари ва турларини ҳамда уларга режалаштираётган инвестицияларнинг минимал даражаси миқдорини мустақил белгилайди. Бунда, корпоратив қимматли қоғозларга инвестицияларнинг минимал даражаси миқдори институционал инвесторнинг ваколатли органи томонидан унинг инвестиция сиёсати тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8. Мазкур Низом талабларини бузган айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

9. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.
Б.УЛАШОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 7 ноябрь.

**«ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ БУЗИЛИШИГА ДОИР ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЖАЗО
ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ БҮЙРУҚҚА
ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
5 декабрда 1131-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 49-сон, 488-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2002 йил 13 мартдаги 2002-04-сонли «Қимматли

қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (2002 йил 23 апрель, рўйхат рақами 1131 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й, 8-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори
К.ТОЛИПОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 26 ноябрь
2008-37-сон.

*2008 йил 15 декабрдан кучга киради.

ЎзР ДМҚ хузуридаги ҚҚБФМНМ бош директорининг
2008 йил 26 ноябрдаги 2008-37-сон буйруғига
ИЛОВА

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
«ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ
БУЗГАНЛИК УЧУН ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА САНКЦИЯЛАРНИ
ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ БҮЙРУҚҚА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан буюраман».

2. Низомнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозоридаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатла-

ри (кейинчалик – қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари) талабларининг бузилиши бўйича ишларни кўриб чиқиш ва санкцияларни қўллаш тартибини белгилайди».

3. 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 55-моддасида назарда тутилган иқтисодий санкциялар;

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 51-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомда кўзда тутилган санкциялар».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ
УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2008 ЙИЛ 8 НОЯБРДАН 21 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография

ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 14 октябрдаги 101, 113, 2008-43-сонли қарори.

2008 йил 11 ноябрда 1868-сон билан рўйхатдан

ўтказилди (2008 йил 21 ноябрдан кучга киради).

2. «Корхона ва ташкилотларнинг ишлатилган ва бузиб қўйилган вексель бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлигининг 2008 йил 30 октябрдаги 219-В-1, 104-сонли қарори.*

2008 йил 11 ноябрда 1152-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 21 ноябрдан кучга киради).

3. «Ваколатли давлат органининг Марказий депозитарий билан ўзаро ҳаракатлари тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 20 октябрдаги 2008-25-сонли буйруғи.*

2008 йил 11 ноябрда 848-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 21 ноябрдан кучга киради).

4. «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 25 октябрдаги 01-02/12-57-сонли қарори.*

2008 йил 17 ноябрда 1404-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 27 ноябрдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт*

вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 22 сентябрдаги 59, 97-сонли қарори.

2008 йил 18 ноябрда 1870-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 ноябрдан кучга киради).

6. «Депозитар фаолият тўхтатилган ва тугатилган тақдирдаги ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 22 октябрдаги 2008-26-сонли буйруғи.*

2008 йил 18 ноябрда 1130-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 28 ноябрдан кучга киради).

7. «Нон ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2008 йил 31 октябрдаги 60-сонли буйруғи.*

2008 йил 19 ноябрда 1871-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 ноябрдан кучга киради).

8. «Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 28 октябрдаги 2008-29-сонли буйруғи.*

2008 йил 21 ноябрда 1872-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 декабрдан кучга киради).

II. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

1. «Автомобилларга газ қўйиш шохобчаларидан (АГҚШ) техник ва хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор. «Ўздавнефтегазинспекция» ва «Саноат-контехназорат» давлат инспекциялари томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

2. Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва

пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисида низом, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1623, 2006 йил 25 сентябрь), (рўйхат рақами 1623-1, 2007 йил 6 декабрь).*

Адлия вазирлигининг 2008 йил 18 ноябрдаги 230-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

III. АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБИГА ЗИД РАВИШДА АМАЛ ҚИЛАЁТГАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР АНИҚЛАНДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2005 йил 20 апрелдаги 308-сонли буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 28 июлдаги ММ/04-03-32-04/707 ва 15/2-8833-сонли хати.


3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 февралдаги ТД/04-01-05/121, 02-1/020 ва 2003-26-сонли хати.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 13 июндаги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 16 июндаги 7, 26 ва 181-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомнинг 7-бандига қўшимча Олимпия захиралари коллежларига ўқувчиларни қамраб олиш тўғрисида»ги йўриқнома.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.



ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

N 51 (180)

2008 йил 19 декабрь

**«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО
ЙЎЛЛАРИ» МАК
ВА БОШҚА
АВИАКОМПАНИЯЛАР
АВИАРЕЙСЛАРИ
ЖАДВАЛИ**

14-15-бетлар



SANAY Co.Ltd

“SANAY” ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Бюортма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги
омбордан сотилади

р. 8-01-01




Тўлов – исталган
шаклда

Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел.: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

“Elit Stamp” МЧЖ

ТАЙЁРЛАЙДИ



МУҲР ва ШТАМПЛАР

реквизит ва факсимил штампчалар,
шунингдек автоматик жиҳозлар

Манзил:

Қорасарой кўч., 270 (собиқ туман иқроия қўмитаси), 4-қават
мўлжал: Собир Раҳимов туман солиқ инспекцияси
e-mail: elitestamp@mail.ru
тел.: 766-0977, 769-0100, факс 248-3045



Millenium Inform

ОБУНА

✓ ГАЗЕТАЛАР ✓ ЖУРНАЛЛАР ✓ КИТОБЛАР

763-00-50, 763-00-40, 235-92-13



“ИЖ АВТО” РАСМИЙ ДИЛЕРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЯНГИ ЙИЛ АКЦИЯСИ!!!

1 ЙИЛ КАФОЛАТ (20.000 км)

Тўлов – исталган шаклда



ИЖ-27175



Ваз-21041

+ ОСГО
+ СОВФА!

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., М.Улугбек кўч., 54 А. Т. 140-00-61/62, 110-41-43 (9.00 дан 18.00 гача)

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Марказий идорасида 2008 йил 13 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 13.05.2008 йилдаги 11-08-05/1520-сонли ижро варақаси ва 03.04.2008 йилдаги 11-08-05/1520-сонли ҳал қилув қарорига асосан хатланган, Қибрай тумани Қибрай қ.ф.й.да жойлашган, сатҳи 2951,95 кв.м, фойдаланиш майдони 2217,46 кв.м бўлган, 31 та хонали, 1 та мева сақланадиган омбор ва 2 та бостирмадан иборат кўчмас мулк кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 123333 АҚШ доллари.

Тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аукцион савдоси кундаги курси бўйича амалга оширилиши мумкин. Мазкур кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилладиган закатлат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги кўйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО: 00901, ИНН: 200933850, х/р: 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Телефон: 228-7952.

II. РКМБ Андижон вилояти филиалида 2008 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига тақроран, Қўрғонтепа туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган Андижон вилоят хўжалик судининг 26.10.2007 йилдаги 17-0707-7165-сонли ижро варақасига асосан савдога хатланган, Қўрғонтепа тумани, ат-Термизий кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Само» ОАЖга қарашли 2 қаватли, қурилиш майдони 2123,56 кв.м бўлган, таъмирталаб маъмурий бино кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 458 741 624 сўм.

Мазкур кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилладиган закатлат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти филиалидаги кўйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО: 00069, ИНН: 200933850, х/р: 22622000200571452003.

Манзил: Андижон ш., Навоий шоҳкўчаси, 30-уй. Телефонлар: (8374) 224-48-53, 224-37-86. www.rkmb.uz
САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КАБЕЛЬ-ЎТКАЗГИЧ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭНГ ЙИРИК ЗАВОД

О'ЗКАВЕЛ

КЕНГ АССОРТИМЕНТ
ВА 100% СИФАТ КАФОЛАТИ

Яширин тараладиган сур!



Товар сертификатланган

“Ўзкabel” ОАЖ ҚК. Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш., 100041, Дурмон йўли (собиқ Ф.Хўжаев) кўч., 2
Тел./факс: (+99871) 262-02-86, 262-13-33
Фирма дўкони: 262-53-11, 712-10-66
marketing@uzkabel.uz www.uzkabel.uz

Poligraf Media
СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРМАСИ

- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРАЛАР ХАМКОРЛИККА
ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Тел./факс: 150-0090, 150-0091
Уяли: 904-00-90, 905-00-90

“Бизнес-панорама.
Реклама & ахборот”
рукни “Premier-
press” реклама
агентлиги
томонидан
тайёрланди.
Тел.: 237-51-33,
237-51-24.

H1377

ЯНГИ ЙИЛ АКЦИЯСИ 2009 йил 31 январьгача
70% гача ЧЕГИРМАЛАР
УНО ва ОМЕГА моделларига

ОФИС МЕБЕЛИ
ШНАФ-КУПЕЛАР
ВА ГАРДЕРОБЛАР
НРЕСЛО ВА СТУЛЛАР

- Лойиҳа дизайнини компьютерда бепул ишлаб чиқиш
- Интерьерда мебелни тўғри жойлаштириш
- Етказиб бериш ва ўриштириш
- Ўзбекистон бўйича ишлаймиз

бўйртмага www.interior.uz тел.(99897) 474 33 50 474 33 06 факс(99871) 286 17 24

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ўзбекистан почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг бошқарув аппаратида юқори малакали бухгалтер, иқтисодчи, аудитор ҳамда Ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши мутахассисларини ишга жалб этиш бўйича танлов эълон қилади.

Келишув асосида штат жадвалига асосан 350 минг сўмдан 450 минг сўмгача ойлик маоши тўланади.

Танловда қатнашиш учун (мутахассислигига қараб) қўйиладиган талаблар:

- Олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;
- Компьютер техникасида тўлиқ ишлаб оладиган (Word, Excel);
- Халқаро бухгалтерлик сертификати (САР)га эга бўлиши;
- Аудиторлик сертификати эга бўлиши;
- Ўзбек ва рус тилларини билиши керак.

Танлов комиссиясига, тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (сертификат) тақдим этилиши лозим.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй (Главпочтамт биноси).

Мурожаат учун телефонлар: 237-49-51, 233-57-47.

www.pc.uz · Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

1C Предприятие 8.1 Ўзбекистон учун бир ечимда

**КУЛАЙ,
ИШОНЧЛИ,
СИНАЛГАН!**



1C франчайзи Bekas Plus

Манзил: Тошкент ш., Фетисов кўч. 1/1
Тел.: 291-60-63, 108-59-63, 328-67-55

1C:ПРЕДПРИЯТИЕ

Базавий версиялар
Стандарт ва малака
версиялари
Тармоқ версиялар
SQL учун версиялар

- Корхоналар фаолиятини автоматлаштириш
- 1C фирмаси дастурларини етказиб бериш
- Намунали конфигурацияларни жорий этиш
- Ихтисослаштирилган конфигурацияларни ишлаб чиқиш
- Ўрнатиш, ўқитиш, жойга бориш

- Бухгалтерия
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва омбор
- Молиявий режалаштириш
- Солиқлар ва ҳисоботлар
- Ишлаб чиқариш ва хизматлар

1C:ФРАНЧАЙЗИНГ «UniSOFT»

Амалий дастурий таъминот бўйича мажмуавий хизмат кўрсатиш

254-18-70, 273-95-95, 273-30-18, 186-30-18

Манзил: Тошкент ш., Катортөл кўч., 60, 705-хона

1C **FILOSOFIKA**

"1C:Предприятие 8" платформасида корхоналарни комплекс автоматлаштириш

- Ўзбекистон учун намунавий конфигурациялар:
 - 1C:Бухгалтерия 8
 - 1C:Иш ҳақи ва Ходимларни бошқариш 8
 - 1C:Савдони бошқариш 8
 - 1C:Ишлаб чиқариш корхонасини бошқариш 8
- Татбиқ этувчи лойиҳаларни малакали бошқариш
- Маслаҳатлар ва фойдаланувчиларни ўқитиш
- Якка тартибда ёндашув
- Сертификатланган мутахассислар

Тошкент ш., Навоий кўч., 18, 406-408-хона
(Еш томошабинлар театри рўпарасида)
info@filosoftika.uz www.filosoftika.uz

Қуйдаги телефонлар орқали бепул такдимот маросимига буюртма бering:
(+998 71) 120-14-00
241-72-00, 241-73-00

1C:ПРЕДПРИЯТИЕ 8

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 10 декабрдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	СТИР	Раҳбар исм-шарифи	Манзили	Қарор рақами
«HALIMA BONU SAVDO» МЧЖ	300759992	Д.Фуломова	Зарқайнар кўч., 28	10-0820/15110-т
«MATLUBOT INVESTMENT» ШК	204301004	М.Алимжонов	Жомий кўч., 5	10-0820/15111-т
«AL-OLAMI PRODUKTION» (STROYTEXINTER) МЧЖ	205220857	А.Каландаров	Бобур кўч., 67-27	10-0820/15112-т
«SMOLNIY» МЧЖ	205249614	Ш.Полтаева	Қорақамиш 2/3, 7-7	10-0820/15113-т

